

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 206-ҳадис

206 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ:

إِذَا حَدَّثَ كَذَبًا، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِمِنَ حَانَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 33، م 59].

وَفِي رِوَايَةٍ: «وَإِنْ صَامَ وَصَلَّى وَرَعَمَ أَنَّهُ مُسْلِمٌ». [م 59/110].

206. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Мунофиқнинг белгиси учтадир: гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, бажармайди ва омонат топширилса, хиёнат қилади».**

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда:

«Гарчи рўза тутиб, намоз ўқиса ҳам ва мусулмонман деб даъво қилса ҳам», дейилган.

Шарҳ: Мунофиқ – бу ташида ўзини мусулмон ва иймон келтирган шахс сифатида кўрсатадиган, лекин аслида иймон келтирмаган ва қалбида кофирлигича қолган кишидир. Араблар исломдан аввалги даврларда «мунофиқ» сўзини Ислом келгандан кейинги маъносида тушунмаганлар, яъни бу сўз Ислом келишидан олдин ўзини иймон келтиргандек кўрсатиб, аслида кофир бўлиш маъносида қўлланилмаган. Бу сўзнинг асл ўзаги «нафақ» сўзидан олинган бўлиб, баъзи кемирувчилар кавлайдиган инга

нисбатан ишлатилади. Уларнинг инида икки тешиги бўлади ва агар бир тешик тарафдан хавф келаётганини сезса иккинчи тешикдан қочиб қолади. Мунофиқнинг ҳам икки юзи бўлиб, вазият тақозосига кўра ўзгартириб тургани учун шундай номланган.

Уламолар мунофиқлик икки хил кўринишда бўлишини айтадилар:

Биринчиси, инсон аслида кофир бўлган ҳолатда ўзини иймон келтиргандек тутиши. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги мунофиқлар ана шундай бўлганлар.

Иккинчиси, ҳеч ким билмайдиган ҳолат бўлса дин буйруқларига тўлиқ риоя қилмаслик, бошқалар биладиган ҳолатларда эса тўлиқ риоя қилиш бўлиб, бу ҳам нифоқ дейилади.

Аллома Хаттобий роҳимаҳуллоҳ шу маънони зикр қилганлар. Шунга кўра биринчи турдаги нифоқ – эътиқодий, иккинчиси эса амалий нифоқ деб номланади.

Баъзи инсонларда мана шу аломатларнинг барчаси топилиши ва шу билан бирга мўмин бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Имом Нававий ҳадиснинг маъноси унда зикр қилинган аломатлар топилган киши мунофиққа ўхшаб, уларда бор хулқларга эга бўлиб қолиши маъносида эканини айтганлар. Бошқа уламолар, хусусан, Имом Қуртубий эса ҳадисда амалий нифоқ назарда тутилган, дейдилар. Чунки, Умар розияллоҳу анҳу ҳам Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан: «Менда нифоқдан бирор нарса борлигини биласанми?», деб сўраганлар ва бундан эътиқоддаги нифоқни эмас, балки амалдаги нифоқни назарда тутганлар. У зот куфр маъносидаги нифоқни назарда тутган бўлишлари асло мумкин эмас.

Уламоларнинг юқорида келтирилган сўзлари ва бошқа шарҳлардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳадисдаги аломатлар топилган инсонни эътиқодида мунофиқ бўлиб, кофир бўлган, дейилмайди, балки амалларида мунофиқларнинг ишини қиладиган ва уларга ўхшаб қолган шахс дейилади.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Мунофиқларнинг сифатлари билан сифатланиб қолишдан қаттиқ қайтарилганлиги.
2. Мусулмон инсон улардан сақланиш учун ҳам мунофиқларнинг сифатларини яхши билиб олиши лозимлиги.

Бу сифатлар қуйидагилардир:

1. Ёлғон гапириш.

Ёлғон – бу воқеликдаги нарсанинг тескарисини гапириш бўлиб, бу ҳаром амал саналади. Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Ёлғоннинг ҳаром эканлигига Қуръон ва Суннатда бир қанча далиллар келган. У энг хунук гуноҳ ва уятли айблардан саналади. Унинг ҳаром эканига умматнинг барчаси иттифоқ қилган».

2. Ваъдага хилоф қилиш.

Ҳадис ваъдага хилоф қилиш ҳам мунофиқларнинг аломати бўлгани учун ҳаром амал эканлигини билдиради.

3. Омонатга хиёнат қилиш.

Масалан, инсонга бир киши бир нарсани омонат топшириб, сақлаб туришини сўради. Омонатни қабул қилган инсон уни ишлатиб юрса ёки бепарволик қилиб уни сақламайдиган бўлса юқоридаги ҳадисга тушиб қолади ва омонатга хиёнат қилган бўлади.

4. Ҳадисда мунофиқларнинг учта сифати зикр қилинди.

Бундан мунофиқларнинг сифати фақатгина шу эканини тушуниб қолмаслик керак. Чунки, Имом Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Тўрт (хислат бор), улар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни ташламагунича, унда мунофиқликдан бир хислат бўлади: омонат топширилса, хиёнат қилади; гапирса, ёлғон гапирди; аҳдлашса, аҳдни бузади; жанжаллашса, фожирлик қилади».

Мавзунинг аввалида келтирилган ҳадисда уч хислат айтилган бўлса, бунда қўшимча яна бир хилсат – жанжаллашса, фожирлик қилиш ҳам зикр қилинмоқда. «Фожирлик қилиш»ни уламолар ҳақдан оғиб, ёлғон гапиришга ўтиш ва тақвосизлик қилиш, деб шарҳлаганлар. Уламолар шу ва бошқа ривоятлар ҳамда оятлардан хулоса қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мунофиқларнинг барча сифатларини эмас, баъзисини айтишни ирода қилганлар, дейдилар. Чунки, бошқа оят ва ҳадисларда мунофиқларнинг бошқа аломатлари ҳам зикр қилинган. Қуйида уларнинг ҳам баъзиларини санаб ўтамиз.

5. Намозга дангасалик ва Аллоҳни кам зикр қилиш.

Аллоҳ таоло мунофиқларни сифатлаб шундай марҳамат қилади:

«Ва қачон намозга турсалар дангасалик билан, хўжакўрсинга турадилар ва Аллоҳни камдан-кам ёдга оладилар» (Нисо сураси, 142-оят).

6. Бомдод ва хуфтон намозларига эриниш, уларга бепарво бўлиш
Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Мунофиқларга энг
оғир намоз – бомдод ва хуфтондир» (Муттафақун алайҳи).

7. Ёмонликка буюриб, яхшиликдан тўсиш.

Аллоҳ таоло айтади:

**«Мунофиқ эркаклар ва мунофиқ аёллар бир-бирларидандирлар
(яъни, кофирликда бир-бирларига ўхшайдилар). Улар ёмонликка
буюрадилар, яхшиликдан тўхтадилар...»** (Тавба сураси, 67-оят).

3. Ростгўйлик ва ваъдага вафоқ қилишнинг фазилатли амал экани.

Ҳадис борасида айтилган шарҳларнинг барчаси ҳадисни тушуниш ва унга
амал қилиш учундир. Шунинг учун ҳам замонамиз уламоларидан Муҳаммад
Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ айтганларидек, ҳадиснинг руҳиятини
йўқотмаган ҳолатда унга амал қилиш, мунофиқлик аломатлари саналмиш
одатлардан қаттиқ огоҳ бўлиш ва уларни кичик санамаслик лозим.

Манба: hadis.islom.uz

